

**Ижобий фикр билдирилган  
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ZIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти (Андижон шаҳри, Навоий шох кучаси 87-уй, 170120. х/р.20208000503781766001 ТИФ «Миллийбанк» Андижон шаҳар булими, МФО 00074, ИНН 202 554 997, ОКОНХ 84400, телефон.0(374) 223 19 22, e-mail: ziyoaudit@mail.ru.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича 2008 йил 30 январда берилган 00211-сонли лицензияси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 й 11 апрелда берилган 479-сонли гувоҳнома.) «ZIYO-AUDIT» аудиторлик ташкилоти раҳбари аудитор Бурхонов Зафар Фуркат ўғли (Молия Вазирлигининг 2014 йил 25 октябрда берилган 05264-ракамли аудиторлик малака сертификати) томонидан «Тошкентвино комбинати» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари: 1-шакл «Баланс», 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 2018 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини 2019 йил 16 апрел кунги №19/19 сонли шартномага асосан мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

**Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз Андижон вилоят аудиторлар палатасининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади.


Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

**Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча «Тошкентвино комбинати» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади

**МЧЖ шаклидаги «ZIYO-AUDIT»  
аудиторлик ташкилоти директори**



**Бурхонов З.Ф.**

Андижон ш. 2019 йил 30 апрел.

